

## **ГАЗОБЛОКДАН ТИКЛАНГАН ТАШҚИ ТҮСУВЧИ КОНСТРУКЦИЯНИНГ ИССИҚЛИК ҲИМОЯСИННИГ ҲИСОБИ.**

*T.ф.н., проф. С.А. Ходжаев,  
магистрант Абдирайимов Ю.М.*

**Аннотация:** Мақолада кўп қаватли уйларни барпо этишда кўлланилаётган деворбоб ва иссиқлик изоляцияловчи материаллар (газоблок ва базалт толаси асосидаги минерал пахта плиталар) асосидаги ташқи тўсиқ конструкцияларининг иссиқлик техникасининг ҳисоби келтирилган.

**Калит сўзлар:** Иссиқлик ҳимояси, газо- ва пеноблоклар, минерал пахта плиталар, иссиқлик бериш коэффиценти, иситиш даврининг градус-суткаси, энергия самарадорлик, иссиқлик техникасининг ҳисоби .

Бугунги кунда Республикаизда қурилаётган кўп қаватли каркас биноларнинг ташқи тўсиқ конструкцияларида газоблок ва пеноблоклардан фойдаланилмоқда. Ушбу материалларнинг зичлиги ғиштниги нисбатан паст ( $V_0=400-800 \text{ кг}/\text{м}^3$ ) ва иссиқликни ғиштга нисбатан ёмон ўтаказади ( $\lambda_0=0,29 \text{ Вт}/(\text{м}^2\text{°C})$  қуруқ ҳолатда). Ташқи тўсиқ конструкциянинг иссиқлик ҳимоясини ошириш учун биз газоблоклардан тикланган ташқи тўсуви деворни базалт тола асосидаги минерал пахта плиталари билан қоплаймиз. Ушбу қопламанинг қалинлигини танлаш учун эса ушбу ҳисоб ишларини кўриб чиқамиз.

### **Ташқи деворларнинг иссиқлик ҳимоясининг ҳисоби**

Тошкент шаҳрида жойлашган, 1 ва 2 чи қаватлари савдо ва майший хизмат кўрсатиш хоналари, қолган қаватлари еса турар-жой учун мўлжалланган 9 қаватли ва подвал қисмига ега яхлит қўйма темирбетон каркасли бино. Пойдевори -яхлит қўйма темирбетондан, устун, тўсин ва бикрлик диафрагмалари яхлит қўйма темирбетондан, ташқи тўсуви деворлари 300 мм

қалинликдаги газоблоклардан, ички хоналарни ажратувчи деворлар -100 мм қалинликдаги газоблоклар ва гипс ва картон қоғоздан иборат “Кнауф” панелларидан, деразалар алумин қовурғали 3 қатlam шиша ойнадан, ташқарι ешиклар алумин қовурғали 3 қатlam шиша ойнали, ички ешиклар МДФ панелли, том қисми шамоллатиладиган совук чордоқли том.

1.Худуд: Тошкент шаҳар.

2.Хонанинг ҳисобий ички ҳарорати  $t_b=20^\circ$ , нисбий намлик -60%.

3.Ўртacha кунлик ҳаво ҳарорати  $10^\circ$  С дан паст ёки унга тенг бўлган даврнинг ўртacha ҳарорати,

$$t_{\text{от.пер.}} = (2.70 \text{ } ^\circ\text{C} + 4.00 \text{ } ^\circ\text{C}) / 2 = 3.35 \text{ } ^\circ\text{C} \quad (1)$$

(ҚМҚ 2.01.01-94 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физик-геологик маълумотлар”)

4.Ўртacha ҳаво ҳарорати  $10^\circ$  С дан паст ёки унга тенг бўлган давр давомийлиги  $Z_{\text{от.пер.}} = (129 \text{ кун} + 166 \text{ кун}) / 2 = 147.5 \text{ кун} \quad (2)$

(ҚМҚ 2.01.01-94 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физик-геологик маълумотлар”)

5.”Б” параметр бўйича ташқи ҳаво ҳарорати  $t_h = -14^\circ$  С. (ҚМҚ 2.01.01-94 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физик-геологик маълумотлар”)

Ташқи тўсувчи деворлар материалларининг хусусиятлари:

1.Гипсли сувоқ (грунтовка) ва пардозбоп қатlam (Водоэмulsionя или декоративный обой)  $\gamma_0=1050 \text{ кг/m}^3$ , қалинлиги 3 мм,  $\lambda_0=0,36 \text{ Вт/m}^\circ\text{C}$ , (1-илова, 83а-банд, ҚМҚ 2.01.04-2018).

2.Девор газоблок  $\gamma_0=600 \text{ кг/m}^3$ , қалинлиги 300мм,  $\lambda_0=0,26 \text{ Вт/m}^\circ\text{C}$ , (1-илова, 65-банд, ҚМҚ 2.01.04-2018).

3.Ёпишқоқ гипсли сувоқ  $\gamma_0=1800 \text{ кг/m}^3$ , қалинлиги 5 мм,  $\lambda_0=0,93 \text{ Вт/m}^\circ\text{C}$ , (1-илова, 71-банд, ҚМҚ 2.01.04-2018).

4. Иссиқлик сақловчи қатlam – базалт толаси асосидаги минерал пахта плиталари  $\gamma_0=120 \div 125 \text{ кг/m}^3$ , қалинлиги 100 мм,  $\lambda_0=0,07 \text{ Вт/m}^\circ\text{C}$  (1-илова, 129-банд, ҚМҚ 2.01.04-2018)

5. Гипсли сувок (грунтовка) ва ташқи пардозбоп қатлам (“Травертин” или “Отточенто”)  $\rho_0=1050 \text{ кг}/\text{м}^3$ , қалинлиги 3 мм,  $\lambda_0=0,36 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot \text{°C})$ , (1-илова, 83а-банд, ҚМҚ 2.01.04-2018).

Ички ҳаво ҳарорати ва тўсувчи конструкция ички юзасининг ҳарорати ўртасидаги меъёрий ҳарорат фарқи,  $\Delta t^H=4,0 \text{ °C}$  (жадвал 4, ҚМҚ 2.01.04-2018)  
Тўсувчи конструкциялар ички юзасининг иссиқлик бериш коефициенти  $\alpha_B=8,7 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{°C})$

Тўсувчи конструкция ташқи юзасининг иссиқлик бериш коефициенти (қиши шароит учун)  $\alpha_H=23 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{°C})$

### 3. Иситиш даврининг градус-суткаси

$$D_{\text{от.пер.}} = (t_B - t_{\text{от.пер.}}) \times Z_{\text{от.пер.}} \quad (3)$$

$D_{\text{от.пер.}} = (20-3,35) \times 147,5 = 2455,875 \text{ °}$  ва  $P_0^{\text{Tp.Эн}} = 2,6 \text{ (м}^2 \cdot \text{°C)}/\text{Вт}$  иссиқлик ҳимоясининг учинчи даражаси (жадвал 2в, ҚМҚ 2.01.04-2018)

4. Санитария-гигиена талаблари ҳолатига кўра меъёрий (максимал рухсат етилган) қаршиликни ҳисоблаймиз:

$$R_0^{\text{Tp.CГ}} = (n \times (t_B - t_H)) / (\Delta t^H \times \alpha_B) = (1 \times (20 - (-14))) / (4,0 \times 8,7) = 0,977 \text{ (м}^2 \cdot \text{°C)}/\text{Вт} \quad (4)$$

5. 3 ва 4 чи бандларга мувофиқ иссиқлик ўтказувчанлик қийматларининг каттасини қабул қиласиз:

$$R_0^{\text{Tp.Cт.}} = R_0^{\text{Tp.Эн}} = 2,6 \text{ (м}^2 \cdot \text{°C)}/\text{Вт} \quad (5)$$

6. Ташқи тўсувчи конструкцияларнинг термик қаршилиги  $R$  ( $\text{м}^2 \cdot \text{°C)}/\text{Вт}$  қўйидаги формула билан аниqlанади:

$$R = \delta / \lambda, \quad (6)$$

Бу йерда  $\delta$  – қатлам қалинлиги, м;

$\lambda$  – қатлам материалининг иссиқлик ўтказувчанлик коефициенти,  $\text{Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{x} \cdot \text{°C})$ :

$$R_1 = \delta_1 / \lambda_1 = 0,003 / 0,36 = 0,008333 \text{ (м}^2 \cdot \text{°C)}/\text{Вт};$$

$$R_2 = \delta_2 / \lambda_2 = 0,300 / 0,26 = 1,1538 \text{ (м}^2 \cdot \text{°C)}/\text{Вт};$$

$$R_3 = \delta_3 / \lambda_3 = 0,005 / 0,93 = 0,00537 \text{ (м}^2 \cdot \text{°C)}/\text{Вт};$$

$$R_4 = \delta_4 / \lambda_4 = 0,10 / 0,07 = 1.42857 \text{ (m}^2 \text{ °C)}/\text{Bt};$$

$$R_5 = \delta_5 / \lambda_5 = 0,003 / 0,36 = 0,008333 \text{ (m}^2 \text{ °C)}/\text{Bt}.$$

Тўсувчи конструксиянинг иссиқлик узатилишига келтирилган қаршилиги  $R_o$ ,  $(\text{m}^2 \text{ °C})/\text{Bt}$  қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$R_o = 1/\alpha_B + R_k + 1/\alpha_H \quad (7)$$

$$\begin{aligned} R_k^{C_t} &= R_k = R_1 + R_2 + R_3 + R_4 + R_5 = 0,008333 + 1,1538 + 0,00537 + 1.42857 + 0,008333 \\ &= 2,6044 \text{ (m}^2 \text{ °C)}/\text{Bt} \end{aligned}$$

$$R_o^{C_t} = 1/8,7 + R_k^{C_t} + 1/23 = 0,11494 + 2,6044 + 0,04347 = 2,7628 \text{ (m}^2 \text{ °C)}/\text{Bt}$$

$$R_o^{Tp,C_t} \leq R_o^{C_t}. \quad (8)$$

$$2,6 \text{ (m}^2 \text{ °C)}/\text{Bt} < 2,7628 \text{ (m}^2 \text{ °C)}/\text{Bt}$$

Ушбу тенгиззлик биз танлаган ташқи тўсувчи конструкция иссиқлик ҳимоясининг учинчи даражаси талабига ҳам мос келишини кўрсатади. Ташқи тўсувчи конструкцияда иссиқлик сақловчи қатлам сифатида базалт толаси асосидаги минерал пахта плиталари  $V_o = 120 \div 125 \text{ кг}/\text{м}^3$ , қалинлиги 100 мм,  $\lambda_o = 0,07 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot \text{°C})$  қабул қилинди.

### **Хулоса:**

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, газоблок ва базалт толаси асосидаги минерал пахта плиталаридан иборат конструкцияни ташқи тўсувчи конструкция сифатида қўп қаватли бино ва иншоотларда қўллаш орқали қиши мавсумида иссиқлик йўқотилишини ва ёз мавсумида эса аксинча иссиқлик кириб келишини камайтириш орқали бино хоналарида қулай яшаш шароити ва соғлом микроиклимини таъминлашга эришиш мумкин. Бундан ташқари бинонинг ўз вазни ҳам камайиши эвазига бино ва иншоотларни юклар ва таъсирларга ҳисоблаш (лойиҳалаш, юк қўттарувчи конструкцияларни арматуралаш) жараёнида ҳам бино таннахии камайишига сабаб бўлади.

### **Адабиётлар:**

1. Ходжаев С.А., Кадыров Р.Р., Ходжаев С.А. “Повышение энергоэффективности жилищно-гражданских зданий”. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2017, 404с
2. Ходжаев С.А. д.т.н. проф. (ТАСИ), Кадыров Р.Р. инж. (АО “ToshuyjoyLITI”), Ходжаев С.А. к.т.н. (ГУП Республиканский центр стандартизации в строительстве), Хасанов Б.Б., инж. (ТАСИ) “Особенности обеспечения теплотехнических показателей ограждающих конструкций энерго Хулосалар мақолани мазмунидан келиб чиқиши лозим.
3. ҚМҚ 2.01.01.-94. Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар. Т., 1994.
4. ҚМҚ 2.01.04-18. Курилиш иссиқлик техникаси. Т., 2018.